Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 5 сентябрь, № 175 (4585) Жума

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 12 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 29 августда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 4 сентябрь
№ ЎРҚ — 173

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ МУҲОКАМАСИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси фаолият олиб бормоқда. У қонун ҳужжатларида амалдаги адабий тил меъёрлари ва қоидаларига риоя этилишини, юридик атамашунослик талабларига мос келишини таъминлаш мақсадида тузилган. Ҳар бир қонун лойиҳаси ушбу комиссияда тил жиҳатидан муҳокамадан ўтади. Бу эса, ўз навбатида, қонун матнларининг такомиллашувига ҳамда келиб чиқиши мумкин бўлган номутаносибликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Кеча комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Тадбирда мазкур қонун учун масъул бўлган Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари, шунингдек, соҳа мутахассислари ҳамда экспертлар иштирок этишди.

Таъкидланганидек, янги қонун лойиҳаси ноширлик фаолияти соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган. Унда ноширлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, ноширлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатининг асослари давлат сиёсатининг асослари ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қатор меъёрий нормалар ўз аксини топган.

Комиссия аъзолари ҳужжатни норматив-ҳуқуқий атамаларнинг тўғри қўлланилиши, матнининг тили нуқтаи назаридан кўриб чиқди. Улар қонун лойиҳасидаги ҳар бир тушунча ва атаманинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиб, бошқа қонунлардаги шакллари билан уйғунлигини эътироф этишди. Шунингдек, лойиҳа юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Машкура ЗОҲИДОВА.

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 июлда бўлиб ўтган мажлисида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга қабул қилиш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, битирувчиларни ишга жойлаштириш масалалари Президентимиз томонидан чуқур муҳокама қилинган эди. Шу асосда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази олдига қўйилган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида амалий тадбирлар белгиланди.

Таълим ва ислоҳот

Хусусан, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигида мактаблар битирувчиларини ҳудудларда талаб қилинаётган мутахассисликларга мувофиқ, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш учун тўлиқ қамраб олиш ва уларни ишга жойлаштиришни самарали ташкил этиш йўлларини изламоқда. Жумладан, ўрта бўғин таълим муассасаларини жорий йилда тугатган битирувчилар учун янги иш жойларини ташкил этиш, уларни тўлиқ ишга жойлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан таълим-тарбияга муносабат тубдан ўзгарди. "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Қарори ҳам касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлардаги дарс сифатини яхшилаш, энг асосийси, ўқитувчи меҳнатига бўлган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Бундай эътибор узлуксиз таълим тизимида кенг қамровли, изчил ва тадрижий ислоҳотларни амалга оширишда бекиёс аҳамиятга эга. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тай-

(Давоми 4-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Миллий байрам муносабати билан Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллашдан ғоят мамнунман.

Сиёсатчиларнинг аввалги йил бўлиб ўтган учрашувлари самаралари ўлароқ, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун янги-янги имкониятлар пайдо бўлаётгани мени қувонтиради.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш йўлида тобора янги имкониятлар вужудга келишига ишонган ҳолда, шахсан Сизга омонлик тилаб қоламан.

Жоржо НАПОЛИТАНО,
Италия Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Муҳаммад Ҳусний МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати номидан Сиз, Жаноби Олийларига ва халқингизга самимий табрикларимни ва эзгу истакларимни йўллашдан мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, биродар халқингизга доимий тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Абдуллоҳ II бин ал-ҲУСАЙН,
Иордания Подшоҳи.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Вьетнам халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ҳамда Ўзбекистон халқига энг қизғин қутловларимни йўллайман.

Қувонч билан шунинг гувоҳи бўлмоқдаманки, сўнгги йилларда Вьетнам — Ўзбекистон муносабатлари изчил яхшиланиб бормоқда. Вьетнам халқи расмий ташриф ила Вьетнамга келишингизни мамнуният билан кутмоқда ҳамда Сизнинг яқин вақтларда буюрадиган ташрифингиз Вьетнам — Ўзбекистон муносабатларини янги юқори босқичга кўтаришига, мамлакатларимизни ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшишига ишонч билдирмоқда.

Ўзбекистон Республикасига фаровонлик, равнақ, Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат тилайман.

Президент Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт ҳамда ғоят юксак ва масъулиятли лавозимингизда улкан муваффақиятлар тилаб қоламан.

Нгуен Минь ЧИЕТ,
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Гана ҳукумати, халқи ҳамда ўз номимдан Ўзбекистон ҳукумати, халқи ва Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги мавжуд ҳамкорлик алоқалари ва дўстлик ришталари янада ривожланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Жон Агиекум КУФУОР,
Гана Республикаси Президенти.

2008 йил — Ёшлар йили

Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган олий ўқув юртлари сони яна биттага кўпайди.

САНЪАТ ВА МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Юртбошимизнинг 2008 йил 28 апрелда қабул қилинган Қарорига асосан, Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиали иш бошлади.

Миллий маданият ва санъатни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ушбу ўқув даргоҳига икки йўналиш бўйича талабалар қабул қилинди.

Мазкур олий ўқув юртининг очилишида сўзга чиққан Нукус шаҳар ҳокими Ж. Бердиханов, Қорақалпоғистон Республикаси бастакорлар уюшмаси раиси Н. Муҳаммадинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маданият ва санъатимиз ривожига алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани, хусусан, ёш истеъдод эгаларини рағбатлантириш, уларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, ўз истеъдод ва маҳоратини тўлақонли намойиш этиши учун барча шарт-шароитлар яратилаётгани хусусида тўхталдилар.

— Ушбу билим масканининг очилиши қорақалпоқ халқининг маданияти ва санъатини янада ривожлантириш учун қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди, — дейди Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Нажмаддин Ансатбоев. — Бу ерда ёш истеъдод эгалари театр, кино ва телевидение ривожи, санъатимизнинг гуллаб-яшнаши учун мунюсиб ҳисса қўшадиган малакали мутахассислар бўлиб етишади.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б. Янгибоев иштирок этди.

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ХОРИЖИЙ ЭЛЧИ ВА МЕҲМОНЛАР ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ ҲАҚИДА

Ватанимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган байрам тантаналарида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари ҳам иштирок этди. «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирлари билан бўлиб ўтган суҳбатларда улар Ўзбекистоннинг Истиқлол йилларида босиб ўтган тараққиёт йўли ҳамда ўзларининг мамлакатимиздаги фаолияти давомида олган таассуротлари билан ўртоқлашди.

Кувайт Давлати элчиси Одил Ҳаёт: «Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 17 йиллигини эътиборга молик натижалар билан қарши олмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиёт бобида жиддий ютуқларга эришди.

Истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилган оқилона сиёсат туфайли мамлакатда ташаббускор, қобилиятли ва тафаккури кенг ёш авлод шаклланди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшлар сиёсати — мамлакат келажагининг мустаҳкам асосидир.

Мустақиллик куни — умумхалқ байрами. Ҳозир биз гувоҳи бўлиб турган шодиёналар, одамлар орасидаги кўтаринкилик муҳити халқнинг мамлакат етакчисига нисбатан ҳурмат-эҳтиромидан далолатдир».

Саудия Арабистони элчиси Мансур Иброҳим ал-Мансур: «Тантанада иштирок этаётган бошқа меҳмонлар каби мени ҳам байрамнинг юқори савияда ташкил этилгани, тадбирлар кўлами, барча иштирокчиларнинг байрамона кайфиятини мафтун этди. Бу — халқнинг кучли ва тараққий этган давлат қуришга бўлган қатъий ишончини намойиш этади.

Дунё нигоҳи

Шу ўринда Президент Ислом Каримовнинг ёшлар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлашни истар эдим. Ёшлар — мамлакат келажаги. Мамлакат раҳбариятининг бу сиёсати Ўзбекистон равнақи ва фаровонлигининг мустаҳкам гарови ҳисобланади».

Россия Федерацияси элчиси Фарит Мухаметшин: «Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланиб бораяпти. Бунга Россия Федерацияси ҳукумати раиси В. Путин Ўзбекистонда амалий ташриф билан бўлгани ҳамда мамлакатларимиз ўртасида кенг кўламли ҳамкорлик дастурини рўёбга чиқариш мўлжалланаётгани яққол далил бўлади. Бугун биз савдо-иқтисодий ҳамкорлик, илм-фан, маданият, таълим соҳаларида эътиборга молик кўрсаткичларга эгамиз. Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, муносабатларимиз йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораяпти. Шу билан бирга, ҳамкорликни янада кенгайтириш учун ҳали катта имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон халқини қутлуғ байрам — Мустақиллик куни билан самимий муборакбод этаман. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳамиша дўстона бўлиб, халқларимиз фаровонлиги йўлида ривож топиб бораверишига тилакдошман».

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимизда Халқаро эпизоотия бюросига аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар бошланди.

ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

У Ўзбекистон ҳукумати ҳамда Халқаро эпизоотия бюроси, Европа Иттифоқи Комиссиясининг истеъмолчилар ҳуқуқлари ва саломатлигини муҳофазалаш бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинарда аграр соҳа вакиллари, ветеринария хизмати мутахассислари, мазкур йўналишдаги олий таълим даргоҳларининг ўқитувчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбир

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари — Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори Ш. Нурматов, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги давлат ветеринария бош бошқармаси бошлиғи Н. Йўлдошев ва бошқалар Ўзбекистонда барча жабҳалардаги ислоҳотлар жараёнида қулай эпизоотик аҳволни таъминлаш ва сақлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Семинарда таъкидланганидек, юртимизда чорвачиликни янада ривож-

(Давоми 2-бетда).

ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Бир рақам шарҳи

2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида республикамизда **8070,1** километр узунликдаги магистраль, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ишлари бажарилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан жойларда ушбу йўналиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан энг самимий ва илиқ табрикларимни қабул этгайсиз.

Покистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳамжиҳатлик риштaлари келгусида ҳам муштарак саъй-ҳаракатларимиз ила халқларимиз манфаатлари йўлида тобора мустаҳкамланиб боришига ишонч билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Муҳаммад Миан СУМРО,
Покистон Ислом Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан Сизни, ҳукуматингиз ва халқингизни қизғин қутлашга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ўзаро манфаатларимизга мувофиқ ҳолда истиқболда ҳам ривожланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатингиз равнақи ва халқингиз фаровонлиги йўлидаги олижаноб фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Ким Ен НАМ,
Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиуми Раиси.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Миллий куни муносабати билан мен, шунингдек, Австралия ҳукумати ва халқи Сизга, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати ҳамда халқига энг эзгу тилакларимизни йўллаймиз.

Мен мамлакатларимизнинг футбол бўйича терма жамоалари ўртасида 2008 йил сентябрь ойида Тошкентда ҳамда 2009 йил апрель ойида Австралияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионати ФИФА-2010 саралаш ўйинларини сабрсизлик билан кутмоқдаман. Мазкур спорт тадбирлари мамлакатларимиз ўртасидаги маданий, шунингдек, инсонлар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасида мавжуд дўстона алоқалар истиқболда ҳам янада ривожланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, менинг шахсий эзгу тилакларимни ҳамда Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни лутфан қабул қилишингизни сўраб қоламан.

Эҳтиром ила,

Майкл ЖЕФФРИ,
Австралия Генерал-Губернатори.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Мустақиллиги куни муносабати билан қутловларимни изҳор этиш менга улкан мамнуният бахш этади.

Мен Ўзбекистон билан мавжуд яқин ва кўп томонлама муносабатларимизни юксак қадрлайман. Биз ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ривож топтириш учун Ўзбекистон ҳукумати билан биргаликда саъй-ҳаракатларни давом эттираверишн тарафдоримиз.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва омонлик, Ўзбекистон халқига эса равнақ тилайман.

Ғоят юксак ҳурмат-эҳтиром ила,

Манмохан СИНГХ,
Ҳиндистон Республикаси Бош вазири.

Хабарингиз бор, мамлакатимиз парламенти юқори палатаси аъзолари Сенатнинг ўн бешинчи ялпи мажлисида “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги Қонунни маъқуллади.

Дарҳақиқат, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар, айниқса, аёллар ва болалар савдоси муаммоси бугун дунё миқёсида долзарб масалалардан бирига айланди. Одамларни турли мақсадларда эксплуатация қилишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ортгани, бундай қилмишларнинг уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилаётгани, айниқса, бундан кўпинча аёллар ва болалар жабрланаётгани, трансмиллий жиноятчиликнинг асосий даромад манбаига айлангани унга қарши кураш чораларини кучайтиришни талаб этмоқда.

ИНСОН ШАЪНИ — МУҚАДДАС

— Жаҳон бозорида одам савдосидан кўрилаётган даромад йилига 7 миллиард долларгача кўтарилмоқда, — дейди сенатор Мирзаюсуф Рустамбоев. — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва қочоқлар бўйича халқаро ташкилотлар экспертлари баҳосига кўра, сўнгги йилларда бу хилдаги жиноятчилик шиддат билан ўсиб бораяпти. Тахминларга кўра, ушбу қабиҳликдан жабрланганлар сони йилига ўртача 2,7 миллион кишига етмоқда. Одам савдоси бозори ҳозирги кунда ер юзида наркотик савдоси ва қурол савдосидан кейин учинчи ўринни эгаллайди.

Одам савдоси — давримизнинг ўткир муаммоларидан бири. Жинсий эксплуатация, мажбурий меҳнат, болаларни оғир меҳнат азобларига дучор қилиш, тиланчилик, одам органлари ва тўқималарини кўчириш мақсадида одамфурушлик билан шуғулланиш — барчаси ушбу жиноятнинг мудҳиш шаклларидан саналади.

Шу ўринда бир мисолни келтириш жоиз. БМТнинг Халқаро жиноятчиликнинг олдини олиш маркази экспертлари маълумотларида қайд этилишича, одам савдосидан келиб тушган даромаднинг жаҳон айланмаси ҳозирги даврда 12 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. 1999 йил 28 июлда Вашингтонда бўлиб ўтган одам савдоси муаммолари бўйича Конгрессда бундай савдога қарши курашувчи бутунжаҳон ташкилоти вакили Анити Боттининг маълумотларига кўра, ҳар йили бир давлатдан иккинчи давлатга бир миллиондан ортиқ киши олиб чиқилади. Хусусан, 1997 йилда Шарқий Европа ва МДҲ давлатларидан Европа, Осиё, Шимолий Америка мамлакатларига 175000 нафар аёл киши олиб ўтилган.

— Ўзбекистон Республикасида одам савдоси ишлари бўйича 2003 йилда 79 та жиноят иши қўзғатилган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 273 тага етган. Унда 303 нафар айбланувчи, 1124 нафар жабрланганлар аниқланган, — фикрини давом эттиради Мирзаюсуф Рустамбоев.

Демак, бу маълумотлар одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалардан шаҳвоний мақсадларда, мажбурий меҳнатда фойдаланиш учун ўз юртларидан чет давлатларга олиб чиқиб кетиш ҳолатларининг кўпайиб кетганлигидан далолат беради. Шу маънода, одам савдосига бир ёки икки давлатнинг муаммоси сифатида эмас, балки бутун дунё мамлакатларининг муаммоси сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Мазкур жиноят, асосан, трансмиллий хусусият касб этганлиги боис, юртимизга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказиши турган гап. Шу сабабдан ҳам мамлакатимизда мазкур муаммонинг олдини олишга қаратилган тегишли чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, 2003 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТнинг “Одам савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида” 1949 йилдаги, “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида” 2000 йилдаги конвенциялари ратификация қилинди. “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мавжуд. Қолаверса, мазкур Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлда “Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идораларaро комиссияси тузилиб, комиссия бу борада изчил фаолият олиб бораётир.

Сенатда маъқулланган

— “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга биноан, Жиноят кодексининг одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган 135-моддасининг янги таҳрири маъқулланди, — дейди сенатор. — Чунки модданинг аввалги номи “Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш” деган таҳрирда берилган эди. Жиноят кодексининг 135-моддаси аввалги таҳририда фақатгина одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган одам савдоси билан боғлиқ жиноий қилмишларнинг барчасини комплекс тарзда қамраб олмайди. Боз устига, у шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини тўлиқ муҳофаза қилишга имкон бермайди. Қолаверса, ушбу модда диспозициясида жиноий хатти-ҳаракат белгилари аниқ кўрсатилмаган. Янги таҳрирдаги 135-модданинг 1-қисмида эса одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёки уни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш деб, жиноят таркибининг объектив белгилари аниқ кўрсатилган. Ушбу модда 3 қисмдан иборат бўлиб, унинг 2-қисмида жавобгарликни оғирлаштирувчи 10 та ҳолат назарда тутилган. Булар одам савдосини ночор ёки ожиз аҳволдаги шахсга ёхуд айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этиш, жабрланувчини чет давлатга олиб чиқиб кетиш ёки трансплантант қилиш мақсадларида содир этиш, жабрланувчини ўғирлаб, зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш хавфи билан таҳдид қилиб, ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиб, икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, мансабдор шахснинг хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этиш, ҳужжатларни қалбакилаштириб ёки жабрланувчининг ҳужжатларини яшириб қўйиб ёки йўқ қилиб юбориб иложсиз аҳволга солиб қўйиш билан содир этиш ҳолатларида намоён бўлади. Ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган бу жиноятлар учун Қонуннинг 2-қисмида жавобгарлик назарда тутилган.

Суҳбатдошимиз айтганидек, Қонуннинг 135-модда 3-қисмида эса жавобгарликни ўта оғирлаштирувчи 4 та ҳолат назарда тутилган. Чунончи, улар одам савдоси вояга етмаган шахсга нисбатан ёки жабрланувчининг ўлими ёхуд бошқа оғир оқибатлар билан содир этилганда, ўта хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганда кўринади ва бунинг учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисмида жавобгарлик назарда тутилган. Бу жиноят бошқа жиноятлар билан биргаликда содир этилганда жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинади.

— Мазкур қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлиги, жамият аъзоларининг соғлиғи, ҳаёти ва бошқа ҳуқуқларига тажовуз қилиши, айниқса, ёшларнинг ахлоқига салбий таъсир кўрсатаётгани эътиборга олиниб, жазо чоралари кучайтирилган, — дейди Мирзаюсуф Рустамбоев. — Жиноят кодексининг 135-моддаси 1-қисми бўйича амалдаги Қонунда 6 ойгача қамоқ жазоси назарда тутилган бўлса, янги Қонунда 3 йилдан 5 йилгача, 2-қисмига кўра, амалдаги Қонунда 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш белгиланган бўлса, янги қонунда 5 йилдан 8 йилгача, 3-қисми санкциясида 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш белгиланган бўлса, янги Қонунда 8 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланмоқда.

Шу билан бирга, Қонунга Жиноят кодексининг “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” деб номланувчи 8-бўлимидаги “одамни эксплуатация қилиш” атамасининг таърифи ҳам киритилган. У амалиётда одам савдоси ҳаракатларининг бир хилда тушунилиши, бундай қилмишларнинг тўғри квалификация қилинишига ёрдам беради.

Конституциямизнинг 26-моддаси 2-қисмида “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас” деб белгилаб қўйилган. Қолаверса, инсон — олий қадрият, у барча ислоҳотларнинг, давлатнинг ягона манбаи. Шу маънода, сенаторлар томонидан маъқулланган “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги Қонун бу иллатнинг илдиз отишини, бегуноҳ инсонларнинг жабрдийдага айланишини бартараф этади.

Қобил ХИДИРОВ.

Яхши хабар

Когон шаҳридаги бир қатор маҳаллалар истиқлол байрамини янги маъмурий биноларда кутиб олдилар.

Маҳаллаларда байрам

— Ҳозирги шарт-шароитлар билан аввалгиси ўртасида катта фарқ бор, — дейди «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сайёра Собирова. — Маҳаллада маънавият хонаси ташкил этилди. Компьютер, телевизор, совутқичлар ажратилди.

2650 нафар аҳоли яшаётган мазкур маҳаллада ободонлаштириш ишлари авжида. Байрам арафасида супермаркет, қатор маиший хизмат шохобчалари фойдаланишга топширилди. 48 та кўп қаватли уйнинг кириш йўлаклари таъмирланди.

— Когон шаҳрида 21 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Беҳбуд Жумаев. — Байрам арафасида уларнинг аксарияти янги, замонавий биноларга кўчиб ўтди. «Зирабод», «Бухоройи шариф», «Зиёкор», Ботир Зокиров номидаги, «Темирйўлчилар» маҳаллаларида байрам дастурхони ёзилиб, кексалар, якка-ёлғизлар ва эҳтиёжманд оилаларга меҳр-мурувват кўрсатилди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«МЕҲР НУРИ»ДАН ЧИРОЙ ОЧДИ

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбиясига юксак ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бугун кўз ўнгимизда қад ростлаётган муҳташам коллеж ва лицейлар, кўркам мактаблар дилимизда фахр ҳиссини уйғотади. Айниқса, бундай хайрли ишларга юртимизда фаолият кўрсаётган жамоат ташкилотларининг муносиб ҳисса қўшаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Пойтахтимиздаги 66-махсус меҳнат таълими мактаби биноси ҳам “Меҳр нури” жамғармаси ташаббуси билан қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур таълим даргоҳининг тантанали очилиш маросимида иштирок этган устоз ва мураббийлар, ота-оналар ҳамда мактаб ўқувчилари ёшларимизнинг фаровон келажаги йўлида амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар келгусида, албатта, ижобий самара беражагини мамнуният ила таъкидладилар. Зеро, янги, кўркам қиёфа касб этган ушбу мактаб болажонлар учун Ёшлар йилида ҳақиқий туҳфа бўлди.

— Мактабимиз бундан олтмиш етти йил аввал қурилганди, — дейди мактаб директори Маълума Хўжаева. — Бугунги кунга келиб, эски бино талабга жавоб бермай қолган эди. Жамғарма ҳомийлигида тўла қайта таъмирланган мактабимиз бутунлай ўзгача қиёфа касб этди. Бу ерда имконияти чекланган 260 нафар ўқувчи таълим олади. Ўқувчилар мутахассислар ёрдамида махсус дастур бўйича сабоқ оладилар.

Янги ўқув биносида ўқувчиларга тикувчилик, сартарошлик, пазандалик, дурадгорлик сингари ҳунарлар ўргатилади. Мактабда ошхона, ахборот-ресурс маркази, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган муҳташам зал, спорт мажмуаси, даволаш гимнастикаси заллари барпо этилди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Навоий томонларда

Канал ишга туширилди

Навоий шаҳри ҳавосининг мўътадиллигини сақлаш учун ўн уч километрлик “Даштногар” каналининг иккинчи навбати бунёд этилди.

Қурилиш ишлари “Навоий сувтаъмир” масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан амалга оширилди. Канал “Тинчлик” қўрғони аҳолиси томорқасини сув билан таъминлай бошлади. Шунингдек, Кармана тумани ҳудудидаги 1,5 минг гектар майдондаги узумзор, ғаллазор ва пахтазорларни суғориш имконияти ҳам яратилди.

Йодланган ош тузи

Учқудуқ шаҳридаги «Учқудуқсавдо» акциядорлик жамиятида юқори сифатли ош тузи ишлаб чиқарилмоқда.

Қамишбулоқдаги шўр кўлдан келтирилаётган туз тозаланиб, майдаланиб, йодланиб, қадоқланиб, Учқудуқ, Томди туманлари савдо нуқталарига етказиб бериляпти.

Корхонада кунига уч тонна ош тузи тайёрланмоқда.

Замонавий таълим марказлари

«Ёшлар йили» муносабати билан Навоий вилоятида кўркам мактабу коллежлар қурилиб, ишга туширилди.

Шу йилнинг ўтган ойлари давомида ҳудуддаги 25 та таълим даргоҳи 7,1 миллиард сўмлик маблағ эвазига капитал реконструкция қилинди.

Шунингдек, 27 та мактаб мукаммал таъмирдан чиқарилиб, уларга 2695,5 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида қад ростлаган 8 та замонавий коллежда ўқувчилар ўқитилмоқда.

Ҳаммаси ёшлар учун

«Ипотека» ва Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкларининг Учқудуқ туманидаги бўлимлари Ёшлар йилида ўн битта оилага 117 миллион сўмлик ипотека кредити ажратди.

Шунингдек, 17 та оилага уй-рўзғор анжомлари харид қилиш учун 22,4 миллион сўмлик имтиёзли истеъмол кредити берилди.

20 нафар ёш оилага эса уй-жой қуриш учун Учқудуқ шаҳри ҳудудидан ер участкалари ажратилди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

лантириш, чорва моллар бош сонини кўпайтириш, чет элдан маҳсулдор зотли моллар келтириш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ва ички бозорни тўлдириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Чорвачилик, паррандачилик ва аҳолини шу турдаги маҳсулотлар билан таъминлайдиган бошқа тармоқларни муваффақиятли ривожлантириш жараёнида ветеринария хизмати фаолиятини самарали ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Профилактика чоралари, режали тадбирларни мунтазам амалга ошириш, турли инфекциялар пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш масалалари доимий эътиборда.

ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон ветеринария хизматининг мамлакатимиз ҳудудида эпизоотик жиҳатдан соғлом вазиятни таъминлаш борасида эришаётган улкан ютуқлари халқаро эътирофга сазовор бўлди, яъни Халқаро эпизоотия бюросининг расмий сертификати билан тақдирланди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон сайёрамизнинг кўплаб минтақаларида кенг тарқалган ва катта иқтисодий зарар етказаётган қорамол ўлати каби инфекциядан холи мамлакат сифатида эътироф этилди.

— Юртингизда ветеринария хизмати халқаро талаблар даражасида йўлга қўйилганини алоҳида таъкидламоқчиман, — дейди Халқаро эпизоотия бюросининг Европа бўйича минтақавий комиссияси президенти Никола Белев. — Мазкур семинар эса мутахассисларнинг соҳага оид фикрлашиши, ўзаро тажриба алмашиши учун қулай имкониятдир.

(ЎзА).

ХОРИЖИЙ ЭЛЧИ ВА МЕҲМОНЛАР ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хитой Халқ Республикаси элчиси Юй Хунцзюнь: «Ўзбекистон мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда жадал ривожланиб бормоқда. Халқнинг турмуш даражаси юксалмоқда. Бугун Ўзбекистон халқаро ва минтақалараро масалаларда жуда муҳим аҳамият касб этиб, келажакдаги тараққиётнинг ёрқин истиқболларини намойиш қилмоқда.

Хитой билан Ўзбекистон қўшни давлатлар ҳисобланади. Бизнинг дўстона муносабатларимиз минг йиллик тарихга эга. Хитой Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган ва дипломатия алоқаларини ўрнатган давлатлардан ҳисобланади. Ўзбекистон — Хитой муносабатлари сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар, хавфсизликни таъминлаш каби соҳаларда муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Ҳар икки томон ҳам халқаро ва минтақавий масалаларда самарали ҳамкорликни амалга оширмоқда. Президент Ислом Каримов Пекин Олимпиадасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этгани Ўзбекистон раҳбарияти мазкур тадбирни сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганининг муҳим далили бўлди. Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстона муносабатлар тобора ривожланиб боришига ишонаман. Ҳамкорлигимиз мамлакатларимиз ва халқларимизнинг фаровонлигига қаратилгандир».

АҚШ элчиси Ричард Норланд: «Мустақиллик байрами чуқур рамзий аҳамиятга эга. Ўзбекистон истиқлол йилларида тараққиёт ва фаровонлик йўлида жиддий натижаларни қўлга киритди. Мамлакат ҳар томонлама ўсиб, куч-қудратга тўлиб, ўзининг минтақа ва жаҳондаги муносиб ўрнини эгаллаган ҳолда тараққий этмоқда, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаб бормоқда. Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани қувонарлидир. Биз ўзаро ҳамкорлигимизнинг қатор йўналишларида эришилган тараққиётдан мамнунмиз. Албатта, ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп. Шу ўринда ҳамкорлигимиз тенг ҳуқуқли асосда ривожланиб, биз биргаликда янги-янги натижаларни қўлга киритишимизга ишонч билдириб қоламан».

Япония элчиси Цутому Хираоко: «Ўзбекистон жамият ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олувчи ислоҳотларни амалиётга кенг татбиқ этиш йўлидан изчил одимламоқда. Шу ўринда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги икки томонлама муносабатлар жадал ривожланаётгани ҳам диққатга сазовор. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг муваффақиятли кечаётганига яқинда имзоланган икки томонлама сармоявий битим ёрқин мисол бўла олади. Ҳужжатда Япония сармояларини Ўзбекистон иқтисодиётига, жумладан, хусусий секторга фаол жалб этиш назарда тутилади. Аминманки, бу ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янада ривожланишига хизмат қилади».

Италия элчиси Жиованни Риччулли: «Биз бугун мамлакатингиз ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ўзбекистон жадал ривожланиб бормоқда. Биз бу жараённи ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, негаки у Ўзбекистонга дунёнинг турли мамлакатлари, жумладан, Италия билан ҳам алоқаларни ривожлантириш учун янги имкониятлар бермоқда.

Юртингиз раҳбарияти ва халқига ўзимнинг энг эзгу тилакларимни изҳор этаман. Тинчлик ва фаровонлик доимо ҳамроҳингиз бўлсин».

Индонезия элчиси Шаҳрил Сабаруддин: «Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистоннинг Мустақиллик кунига бағишланган тантаналарда иштирок этиб келаман. Бу йилги шодиёналар аввалгилардан ҳам ранг-баранг ва шукуҳли кечмоқда. Бу қувонч асосини Ўзбекистон халқи турли соҳаларда қўлга киритган ютуқ ва муваффақиятлар ташкил этади.

Индонезия Ўзбекистоннинг жамиятни ислоҳ қилиш борасидаги қатъий саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Индонезиянинг Тошкентдаги элчихонаси номидан дўст Ўзбекистон халқини Мустақиллик айёми билан муборакбод этаман. Юртингиз янада гуллаб-яшнаши, юксак марраларга эришишига тилакдошман».

Бирлашган Араб Амирликлари Бош консули Муҳаммад ал-Мухейриби: «Президент Ислом Каримов тантаналар аввалида сўзлаган ўз маърузасида 17 йил мобайнида эришилган натижаларни келтириб ўтиши баробарида, давлат ва жамият олдида турган долзарб вазифаларнинг аниқ ечимини ҳам кўрсатиб берди.

БАА раҳбарияти мамлакатингиз билан ўрнатилган ҳамкорликни юксак баҳолайди. Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг юрагидир. Бу муқаддас замин жаҳон цивилизацияси ва ислом тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк олим ҳамда мутафаккирлар ватани ҳисобланади.

Истиқлол йилларида юртингизда тинчлик, осойишталик, барқарорлик ва фаровонлик ҳукмронлик қилиб, иқтисодиёт жадал ривожланаётгани, халқнинг турмуш даражаси ошиб бораётгани бизга мамнуният бахш этмоқда».

Иорданиянинг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Муҳаммад Юсуф Балқар: «Ўзбекистонда тўрт йилдан буён фаолият юритиб келяпман. Ўзбек халқи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-гуманитар ва илмий-маърифий соҳаларда эришаётган ютуқларга гувоҳман. Ўзбекистоннинг муваффақиятлари барча хорижий давлатлар вакиллари, дипломатлар томонидан тан олинмоқда.

Юртингиз дунё мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини тобора мустаҳкамлаб бораётгани асносида Ўзбекистон — Иордания муносабатлари ҳам янада жадал ривожланишига ишонаман».

«Сиэтл — Тошкент» биродарлашган шаҳарлар уюшмаси президенти Дэн Питерсон: «Делегациямизнинг барча аъзолари Президент Ислом Каримов маърузасида таъкидлаб ўтилган ютуқлардан мамнундир. Биз Ўзбекистон ҳукуматидан мамлакатнинг асосий байрамида иштирок этиш ва уни ўзбекистонлик дўстларимиз билан биргаликда нишонлаш имконини бергани учун миннатдормиз.

Жорий йилда Тошкент ва Сиэтл шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилганининг 35 йиллиги нишонланмоқда. Ўтган давр давомида биз икки шаҳарнинг шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишларни амалга оширдик. Истиқлол йилларида ҳамкорлигимиз сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганини таъкидлаш ўринли. Биз мунтазам равишда ҳам расмий, ҳам илм-фан, маданият ва жамоат арбобларидан ташкил топган делегациялар билан алмашиб турибмиз.

Мен Ўзбекистонда уч маротаба бўлганман. Сўнгги бор юртингизга 2000 йилда келган эдим. Диёрингизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларга гувоҳ бўлиб турибман. Айниқса, Тошкент янада чирой очибди. Бу пойтахтингизнинг келгуси йили нишонланажак 2200 йиллик тўйи олдидан жуда қувончлидир.

Ушбу байрам кечасида Ўзбекистон халқини Сиэтл шаҳри аҳолиси номидан табриклайман. Сиз билан дўст бўлиш биз учун шараф. Дўстлигимиз абадий бўлиб қолишига ишонаман».

«Жаҳон» АА.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Уммон оша кўприк

Германия ва Дания мамлакатлари ҳукумати ўзаро ҳамкорликда Болтиқ денгизи устида Европадаги энг узун кўприкни қуриш борасида келишиб олди.

Бу ҳақда Gazeta.Ru интернет сайти хабар берди. Икки мамлакатни боғловчи мазкур кўприкнинг узунлиги 20 километрни ташкил этади. Унда бир вақтнинг ўзида тўрт қатор автомобиль ва темир йўл ҳаракатини амалга ошириш имконияти яратилади. Қурилиш ишлари 2012 йилда бошланиб, 2018 йилда якунланади.

Ҳозиргача «Кўҳна қитъа»даги энг узун йўл-ўтказгич «Васко да Гама» (Португалия) ҳисобланарди. 1998 йилда фойдаланишга топширилган бу кўприкнинг узунлиги 17,2 км.дан иборат.

Эски янгини асрайди

Жорий йилнинг август ойида Европанинг Франция, Италия ва Испания мамлакатларида харидорлар томонидан янги машиналарга бўлган талаб сезиларли даражада сустлашган.

«Automotive News Europe»нинг ёзишича, бу борада Испания етакчи бўлиб турибди. Ушбу мамлакатдаги кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу давридагига солиштирилганда, «темир тулпор»ларга бўлган талаб 41,3 фоизга тушиб кетганлиги ойдинлашди. Италияда бу рақамлар 25 % га тенг бўлса, Францияда 7,1 % кўрсатгич қайд этилган.

Кўча тасодифларга тўла

Хитойнинг шарқий қисмида жойлашган ер ости йўлларидан бирида йўловчи автобус томонидан йўл ҳаракати ҳодисаси содир бўлди.

«Синьхуа» ахборот агентлигининг хабар беришича, воқеа жойида 10 киши ҳалок бўлган ва 24 йўловчи турли даражада тан жароҳати олган. "Reuters" ахборот агентлигининг келтиришича, Хитой йўлларида жорий йилда ҳалокатлар жуда кўп кузатилмоқда. Йил бошидан буён 100 мингга яқин киши йўл ҳаракати ҳодисалари сабабли ҳаётдан кўз юмган.

Хавотирга ҳожат йўқ

Айни кунларда АҚШ чегаралари яқинида «Айк» номли тўфон жунбушга келган. Бу ҳақда "Reuters" ахборот агентлиги маълум қилди.

Табиий офатнинг тезлиги соатига 135 км.дан иборат.

АҚШ тўфонларни кузатиш маркази томонидан келтирилган баёнотда таъкидланишича, «Айк»дан хавотирга тушмаса ҳам бўлаверади. Чунки у ўз йўналишини бошқа томонга ўзгартириши ҳам мумкин экан.

Айни пайтда тўфон Атлантика океани томон ҳаракатланмоқда.

Тўловлар кафолатланади

Франциянинг «Renault» автомобилсозлик компанияси раҳбарияти офисларда фаолият юритаётган уч минг нафар ходимига ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзишни сўраб мурожаат қилган.

Бу ҳақда «Bloomberg» агентлиги хабар тарқатди. Бундан ташқари, компания Франция шимолидаги «Laguna» русумли машиналар йиғув цехларида ишлаётган минг нафар ишчисининг хизматларидан ҳам воз кечмоқчи. Кузатувчиларнинг фикрича, «Renault» шу йўл орқали бошдан кечираётган инқирозни бартараф этишни мақсад қилган.

Компания ишдан озод бўладиган ходимларга қонунларда белгиланган тартибда барча тўловларни тўлашни ваъда қилмоқда.

Ер силкиниши кузатилди

Қозоғистон Республикасининг жануби-шарқида жойлашган Кетмень районида ер силкиниши кузатилди. Бу ҳақда «ИТАР-ТАСС» хабарида келтириб ўтилган.

Сейсмологларнинг маълум қилишича, зилзила марказида унинг кучи MSK-64 шкаласи бўйича 11,9 баллга тенг бўлган. Кетмень райони Алмати шаҳридан 224 км. шарқда жойлашган.

Мамлакат Фавқулодда вазиятлар вазирлиги табиий офат оқибатида қурбонлар ва талафотлар бўлмаганлигини билдирди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкентнинг 2200 йиллиги олдидан

Мамлакатимиз Президентининг шу йил 1 майдаги Қарорига мувофиқ, 2009 йилнинг май ойида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан шаҳардаги тарихий обидалар, ёдгорлик ва қадамжоларни таъмирлаш, кўча ва хиёбонларни ободонлаштириш, янги замонавий объектлар қуриш ҳамда шаҳар инфратузилмасини янада ривожлантириш йўлида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, шаҳар тарихини ўрганиш билан боғлиқ ишлар ҳам жадал давом эттирилаётир.

ШОШНИНГ НЕФРИТ ТОШИ

Маълумки, қадим Шош Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган шаҳар сифатида VIII асрда Мадинат аш-Шош, IX асрда Бинкат, X асрнинг охирларида эса Тошкент номи билан шуҳрат топган. IX-XII асрлар бутун Мовароуннаҳр ва Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари сингари Шош учун ҳам маданий юксалишлар даври бўлди.

Бу даврда Шошда шаҳарсозлик ҳам ўзига хос тарзда ривож топган. Янги-янги масжиду мадрасалар, хонақоҳлар, работлар, турли маъмурий иншоотлар қад ростлаган. Шаҳар атрофи қалин девор билан ўраб олиниб, унга мустаҳкам дарвозалар ўрнатилган.

Араб олими Ибн Хавқал Шош шаҳрининг барча деворлари, дарвозалари ва уларнинг номлари ҳақида атрофлича маълумот берган. Унга кўра, пойтахт, аввалгидек, Шош номи билан юритилади. Мадинат аш-Шош ва Бинкат Тошкентнинг ҳозирги эски шаҳар ҳудудини эгаллаган. Унинг маркази эса ҳозирги Чорсу, Эски Жўва ва Навоий кўчалари оралиғида бўлган.

"Қадим Шошда ҳунармандчилик шу қадар яхши ривож топадики, ҳамма буюмларни шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш мумкин эди", — дейди тарихчилар. Нафақат маиший қуроллар, балки уй-рўзғор буюмлари — игнаю қайчигача тайёрланган. Шош маҳсулотлари бошқа юртларда ҳам сотилган ва машҳур бўлган.

Шу тариқа X-XII аср Шош учун шаҳарнинг юксалиш даври бўлди.

Табиийки, Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам Тошкент шаҳарсозлиги ва ҳунармандчилиги ўз мавқеини сақлаб қолган. Айниқса, маъдан конлари яқинлиги туфайли металл буюмлар ясаш ривожланган, бошқа ҳунармандлар қаторида хилма-хил металл буюмлар ясовчи усталар ҳам ишлар, уларнинг маҳсулотлари бошқа вилоятларга олиб кетиларди. Бу даврда Тошкент "шоший" ("чочий") деб аталган камонлар етказиб бериши билан донг таратган эди.

Маълумки, Тошкентнинг поёнсиз дашт чегарасида жойлашгани унинг қўналға сифатидаги аҳамиятини оширарди. Айниқса, ҳарбий юришлар олдидан катта лашкар бу ерда яхши ҳордиқ чиқариши мумкин эди. Шунинг учун Амир Темур Тўхтамишхонга қарши юриш қилганида ҳам, Хитой юриши чоғида ҳам мазкур шаҳар атрофида ўз лашкари билан тўхтагани тариҳдан маълум. Ҳар иккала юриши чоғида Соҳибқирон Тошкент атрофида анча муддат бўлади. У вазиятдан фойдаланиб, Тошкент ва унинг атрофидаги шаҳару қишлоқлар, уларнинг одамлари, деққончилик ва ҳунармандчилик билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади. Аслида Амир Темур Тошкент ҳунармандчилиги ҳақида яхшигина маълумотга эга бўлиб, бу ҳақдаги тасаввурларини янада бойитади.

Соҳибқирон металл буюмлар, "шоший" камонлар ҳамда шаҳар ҳунармандчилигининг бошқа маҳсулотларини бир-бир кўздан кечиради. Шу пайт унинг диққатини бежирим қилиб ишланган, ҳайбатли нефрит тоши тортади. У "Тўхтамиш устидан ғалаба қозонганимдан сўнг қайтишда уни Самарқандга олиб кетаман", деган ниятни кўнглига тугиб қўяди ўшанда. Аммо Тўхтамиш устидан ғалаба қозониб қайтаётганда, қандайдир сабабларга кўра, Шошнинг бу нефрит тошини ўзи билан бирга олиб кетиш насиб этмайди.

Иккинчи сафар — Хитой юриши олдидан Тошкентда маълум муддат тўхтаган Соҳибқироннинг кўнглидан яна шу ният ўтган бўлса, ажаб эмас. Аммо Амир Темур вафот этиб, бу нияти амалга ошмай қолади.

Орадан йигирма йил ўтгач, 1425 йилнинг февралида Мирзо Улуғбек Мўғулистон юриши олдидан Тошкентда тўхтайди. Шу пайт бобосининг Шош нефрит тошига маҳлиё бўлгани, аммо уни ўзи билан бирга Самарқандга олиб кетолмагани ёдига тушади. У бу тошни қайтишда олиб кетиб, бобосининг қабрига ўрнатишни ният қилади.

Мирзо Улуғбек Мўғулистон юришидан қайтишда яна Тошкентда тўхтайди. Сўнг махсус арава ясатиб, унга нефрит тошини юклатади.

Самарқандга етиб келган Мирзо Улуғбек махсус маросим ўтказиб, нефрит тошини Соҳибқирон Амир Темурнинг қабри устига ўрнатади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Интилиш

СУВ — БЕБАҲО НЕЪМАТ

Уни ўз ўрнида ишлатиш ҳар бир истеъмолчининг бурчидир

Сув — табиат неъматларининг энг улуғи, энг бебаҳоси. Чунки Ер юзида нимаики мавжуд бўлса, фақат сув билан тирикдир. Шунинг учун ота-боболаримиз қадимдан уни ниҳоятда қадрлашган, ҳар томчисини муқаддас деб билиб, исрофгарчиликка йўл қўйишмаган. Ўз навбатида, мирободларни элнинг обрў-эътиборли одамлари қаторида кўришган. Бу урф-одатларимиз ҳозир ҳам ўз қадрини йўқотгани йўқ.

Пойтахтимиз аҳолисини сув билан таъминлайдиган «Сувсоз» корхонаси жамоасида, таъбир жоиз бўлса, ана шундай эзгу касб эгалари ишлашади. Улар республикамиз Мустақиллигининг 17 йиллиги байрамини муносиб ютуқлар билан кутиб олдилар.

Бош технолог Равшан Азимовнинг айтишича, шаҳар истеъмолчиларига етказиб берилаётган обиҳаёт мазаси ширинлиги ва сифатлилиги жиҳатидан дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг ичимлик сувидан фарқ қилмайди. Уни ишлаб чиқариш сиртдан қараганда осон туюлса-да, кўп машаққатли меҳнат ва маблағни талаб этади. Зеро, ичимлик сувини тиндириш учун аччиқ тош, зарарсизлантириш мақсадида суюқ хлор ишлатилса, истеъмолчиларга қувурлар орқали катта босим остида етказиб беришга кўп миқдорда электр қуввати сарфланади. Бу юмушларни ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимлардан иборат 4,5 минг кишилик жамоа — турли миллат вакиллари қойилмақом этиб бажармоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда пойтахтда «Тошкент шаҳар сув таъминоти тизимини такомиллаштириш» инвестицион лойиҳаси изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг 10 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредити ҳисобидан йирик сув иншоотлари — «Қибрай», «Бўзсув» ва «Қодирия»даги насос қурилмаларини янгисига алмаштириш, модернизация қилиш, технологик жараёнларга автоматик бошқарув тизимини татбиқ этиш кўзда тутилган эди. Жорий йил август ойи ҳолатига кўра, «Қибрай» сув иншоотида 62 та янги ер ости насоси ўрнатилиб, марказлаштирилган автоматик бошқарув тизимида ишлаш йўлга қўйилди. Натижада Ҳамза, Миробод, Сирғали, Мирзо Улуғбек туманларининг бир қатор мавзеларида ичимлик сувининг узлуксизлиги таъминланди. Энг муҳими, аҳолидан тушаётган шикоят ва аризалар сони 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан 300 тага камайди. Шу билан бирга, «Бўзсув» иншоотида 9 та насосни алмаштириш учун қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган бўлса, «Қодирия» сув иншоотида 15 та янги насосни ўрнатиш бўйича ташкилий юмушлар рўёбга чиқарилмоқда. Бундан ташқари, Ислом Тараққиёт банки ҳамкорлигида «Салор», «Қуйи Бўзсув» ва «Бектемир» оқова сувни тозалаш иншоотлари қайта таъмирланмоқда.

— Азиз ҳамшаҳарларимиз, истеъмолчиларимиз бизнинг ана шу машаққатли меҳнатимизнинг қадрига етиб, ўз навбатида, табиатнинг бебаҳо неъмати — ичимлик сувини тежаб-тергаб, исрофгарчиликка йўл қўймай ишлатишларини истардик, — деди пировардида Равшан Азимов. — Шунда шаҳримиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашда ҳеч қачон ҳеч қандай узилишлар бўлмайди

Усмон УСМОНОВ.

Республика Кўчмас мулк биржаси
Хоразм вилояти филиали

нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 20 августдаги 1/415/2007-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Қорабайр» савдо-ишлаб чиқариш корхонасига қарашли, Урганч тумани, «Шовот» канали бўйида жойлашган, умумий ер майдони 23205,97 кв.метрни, шундан қурилиш ости ер майдони 1256,2 кв.метрни ташкил қилган 17 номдан иборат бино ва иншоотлар мажмуаси такроран бошланғич баҳоси 3 фоизга арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда.

Жорий бошланғич баҳоси — 196 552 627 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 25 сентябрь куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк объекти билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотекабанк»и «Тинчлик» филиали, МФО 00580, ИНН 200933850.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-362) 226-32-63, факс: 226-43-64.

Лицензия: DB 001 № 000004.

Европа ва Осиё мамлакатларидан пластмассани қайта ишлаш, пластмасса маҳсулотлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда қадоқлаш ускуналари ва технологиялари:



- етказиб бериш;
- ўрнатиб бериш;
- ишга тушириш;
- бир йил давомида техник хизмат кўрсатиш.





«POLIMER GROUP ASIA»

Телефонлар: +99871 262-51-09, +99890 316-12-53, 327-97-28.

Web: www.powerglob.com
e-mail: info@powerglob.com

Соҳибкорлар саховати

Ҳар йили айни пишиқчилик даврида Самарқанд тумани соҳибкорлари Самарқанд шаҳрида махсус кўргазма ташкил этиб, шаҳарликларни мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлашади.

Туҳфа

Бу йил ҳам туманнинг 120 дан ортиқ фермер хўжалиги ўзлари етиштирган сархил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб келишган.

— Кўргазма 10 сентябргача давом этади, — дейди Ўзбекистон Фермерлар уюшмаси Самарқанд вилояти филиали раиси Мансур Қўшбоев. — Унда 16 турдаги маҳсулотга бозордагига нисбатан 20 фоиз арзон нарх белгиланган.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ООО "Росагропромснаб" предлагает:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА

ультразвуковые "Гобой-1"

Цена - от 1 300 000 сум.



ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО ТЕПЛОПРИБОР

Товар сертифицирован

Ду, мм	Типоразмер	Мин. расход, Qмин, м³/час	Максим. расход, Qмин, м³/час
25	G10	0,16	16(25)
40	G25	0,40	40(65)
65	G65	1,00	100(160)

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию – 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Т./ф.: 273-16-40, 276-91-87

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л Ц, д. 6 (Ор-р – метро "М. Улугбек")

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

UAZ Hunter

UAZ Patriot Limited

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР

ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР

Фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Шунингдек, кафолатли техник хизматлар кўрсатилади!

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Юк ташувчи УАЗ-3303.

Юк ва йўловчи ташиш учун махсус УАЗ-39625.

Қўшимча кабинали УАЗ-39094.

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шк., 27-уй.

SONATA

Ўз йўлингни танла!

Drive your way

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

Tel.: 250-11-11.

Спорт

Теннисчиларимиз шоҳсупада

Тошкентда 13-18 ёшли ўсмирлар ўртасида теннис бўйича анъанавий "NBU Cup — 2008" халқаро турнири бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон, Россия, Япония, Ҳиндистон, Туркманистон, Қирғизистон каби ўнга яқин мамлакат теннисчилари совринли ўринлар учун кураш олиб боришди.

Аҳамиятлиси, мусобақада ўзбекистонлик ракетка усталари шоҳсупанинг юқори поғоналаридан жой олишди. Якка лик баҳсларида ҳамюртларимиздан Жонибек Оразалиев ва Альбина Ҳабибулина ғолиб чиқишди. Қизлар ўртасидаги жуфтлик беллашувларида ҳам теннисчиларимиз Альбина Ҳабибулина ва Алиса Огородова зафар қучишди. Ўсмирлар баҳсида эса Юрий Маслов (Ўзбекистон) ва Владислав Дубинский (Россия) жуфтлиги биринчи ўринни эгаллади.

Жамоанинг муваффақияти

Пушкино (Москва вилояти) шаҳрида аёллар ўртасида регби бўйича Россия очиқ чемпионати бошланди.

Чемпионатда Россия спортчилари билан бирга, Қозоғистон ва Ўзбекистон терма жамоалари ҳам совринли ўринлар учун кураш олиб бормоқда. Кеча регбичи қизларимиз дастлабки учрашувни Саратовнинг "Русь-Динамо" жамоасига қарши ўтказиб, 44:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

«Бунёдкор» – қитъада биринчи

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунё клубларининг янги рейтингини эълон қилди.

Эътиборлиси, янги рейтингда миллий чемпионатимиз вакиллари — "Бунёдкор" ва "Пахтакор" жамоалари мос равишда 20 ва 18 поғона юқорига кўтарилишга муваффақ бўлишди.

Ҳозирда 87-ўринни банд этган "Бунёдкор" жамоаси Осиё қитъаси клублари ичида биринчи ўринга кўтарилди. Рейтингда "Пахтакор" 101-ўринда бормоқда.

"Бунёдкор" МДҲ доирасида Санкт-Петербургнинг "Зенит", Донецкнинг "Шахтёр", Киевнинг "Динамо" ҳамда Москванинг "Спартак" клубларидан сўнг бешинчи ўриндан жой олган. Олтинчи ўринни "Пахтакор" банд этган.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ёрлаш Миллий дастури бозор иқтисодиёти шароитида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ижодий меҳнат қилишга қобил малакали кичик мутахассислар тайёрлаш йўлларини белгилаб берди. Мазкур дастур доирасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ниҳоятда кўламдор. Хусусан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун замонавий бинолар қуриш, эскиларини реконструкция қилиш, уларни ўқув-лаборатория жиҳозлари, ўқув-услубий материаллар, компьютерлар, техник воситалар билан жиҳозлаш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, энг муҳими, тайёрланаётган кадрлар билимини ошириш ва дунёқарашини кенгайтириш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Жорий йилда 164 та касб-ҳунар коллежи ва 20 та академик лицей қурилиши ва реконструкция қилиниши режалаштирилган. Бугунги кунда шулардан 96 таси, яъни 85 та касб-ҳунар коллежи ва 11 та академик лицей ишга туширилди. Бу борада Фарғона вилояти пешқадамлик қилмоқда. Хусусан, ушбу вилоятда 13 та касб-ҳунар коллежи ва 2 та академик лицей фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 14 августдаги "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2003 йил 29 октябрдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларига асосан, бюджет ҳисобидан ажратилаётган маблағлар ҳисобига академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари босқичма-босқич жиҳозланмоқда.

2008-2009 ўқув йилида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига марказлашган ҳолда ўқув-лаборатория жиҳозларини харид қилиш учун тендер савдолари ғолиблари билан тузилган шартномалар асосида 9479,0 миллион сўмлик компьютер техникалари ва ахборот-ресурс марказлари учун жиҳозлар, мусиқа асбоблари, тиббиёт жиҳозлари, тикув машиналарини етказиб бериш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунга қадар харид қилинган 4461,0 миллион сўмлик ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникалари ва ахборот-ресурс марказлари учун жиҳозлар ҳамда мусиқа жиҳозлари таълим муассасаларига етказиб берилди.

2008 йилда республика ва маҳаллий бюджетдан ажратилиши кўзда тутилган маблағлардан келиб чиққан ҳолда, таълим муассасаларн учун навбатдаги, ўқув-лаборатория ва устахона жиҳозларининг сони ҳамда тури аниқланиб, 8,7 миллиард сўмлик ўқув-лаборатория ва устахона жиҳозлари, спорт тренажёрлари ва инвентарлари, мусиқа жиҳозлари, тикув машиналари ҳамда компьютер техникаларини харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказилмоқда.

Маҳаллий бюджет маблағи ва чет эл кредити ҳисобидан таълим муассасаларига етказиб берилган ўқув-лаборатория жиҳозларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, мавжуд барча турдаги таълим муассасаларининг бир маромда ишлашини таъминлаш мақсадида 308 номдаги, умумий қиймати 531,4 миллион сўмлик жиҳозлар таълим муассасаларидан бошқа таълим муассасаларига меъёрлаштирилди.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 апрелдаги "Реал иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишида белгиланган вазифалар ва йўналишлардан келиб чиқиб, унинг ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, иқтисодиёт тармоқларининг кичик мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва уни қондириш; таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлигини таъминлаш ва бу борада олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрланаётган мутахассисликлар инвентаризацияси ҳамда уларнинг иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларига мослиги ҳолати танқидий ўрганиб чиқилди.

2008-2009 ўқув йилидан бошлаб республикамизда 1333 та замонавий академик лицей ва касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатади. Кадрлар билан таъминланганлик бўйича эришилган натижалар ва ҳудудларнинг кадрларга бўлган истиқболдаги эҳтиёжидан келиб чиқиб, 2008-2009 ўқув йилидан 178 та касб-ҳунар коллежида 80 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатилади. Шу билан бирга, ҳудудларда иқтисодиётнинг ривожланиш суръатини эътиборга олиб, касб-ҳунар коллежларига бухгалтерия ҳисоби, молия, ҳисоблаш машиналари ва комплекслари ҳамда бошқа таълим йўналишлари бўйича ўқувчиларни қабул қилиш кўрсаткичлари камайтирилиши белгиланди. Ҳудудларнинг инвестиция дастурларига мувофиқ, 2011 йилга қадар йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга тушириши, инфратузилманинг ривожланиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққий этишини назарда тутиб, касб-ҳунар коллежларига муҳандислик, техника ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича ўқувчиларни қабул қилиш кўрсаткичлари оширилиши белгиланди. Улар қаторига, асосан, тез суръатлар билан ривожланаётган нефть-газ, тоғ-кон, кимё, электр ва иссиқлик энергетикаси, архитектура ва қурилиш, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат соҳалари киради. Шу боис 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб, 209 та касб-ҳунар коллежида 114 та янги мутахассисликни ташкил этиш зарурлиги аниқланди. 17 та касб-ҳунар коллежи ва 1 та академик лицейда таълим йўналишларини (ихтисосликларни) тўлиқ ўзгартириш, 22 та таълим муассасаси таълим йўналишини қисман ўзгартириш бўйича таклифлар маъқулланди.

2007-2008 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфини жами 603,5 минг нафар ўқувчи битирди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, иш берувчи корхоналарнинг таклифлари ҳамда ўқувчиларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига қизиқишлари тобора ошиб бораётганлиги инобатга олиниб, битирувчиларнинг 500 минг нафардан зиёди таълимнинг кейинги турига қамраб олинди.

Кадрларга бўлган эҳтиёж таҳлили билан биргаликда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 2007-2008 ўқув йилидаги битирувчилари бандлигини тўлиқ таъминлашни кўзда тутувчи комплекс чоратадбирлар ишлаб чиқилди. Барча ҳудудларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун бўш иш ўринлари бўйича ярмаркалар ташкил этилмоқда.

Унга кўра, 261,1 минг битирувчининг 59 фоизи иқтисодиётнинг турли соҳаларида янгидан яратилаётган иш ўринларига, 20 фоизи бўш иш ўринларига, 5 фоизи квоталанган иш ўринларига жойлаштирилиши, 13 фоизи олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириши ҳамда 3 фоизи армия сафига чақирилиши кутилмоқда.

2007-2008 ўқув йили битирувчилари тадбиркорлик билан шуғулланишлари, ўз бизнеси ва янги иш жойларини ташкил этишлари учун, 2008 йил август ҳолатига кўра, республика миқёсида жами 135 ўқувчига "Микрокредитбанк" бўлимлари томонидан 229334500 сўм кредит маблағлари ажратилди.

Иш берувчи корхоналарнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш жараёнидаги иштирокининг аҳамияти беқиёсдир. Улар салоҳиятидан тўғри фойдаланиш битирувчиларнинг иш билан бандлигини тўлиқ таъминлайди. Иш берувчилар билан таълим муассасаларининг ўзаро фойдали ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан тасдиқланган "Таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги шериклик муносабатлари тўғрисидаги Низом" Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтказилди ҳамда амалиётга жорий этилди.

Ушбу Низом ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни тартибга солиш билан бир қаторда, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар ва идораларга ижтимоий масъулиятни ҳам юклайди.

Албатта, иқтисодиёт, фан ва техника тармоқларининг ҳозирги замон ривожланиши даражасида мутахассисларга бўлган эҳтиёж тижорат тузилмаларининг ривожланиши, техник таъминотларнинг янгиланишига боғлиқ равишда тез ўзгаради. Айрим мутахассисликларга эҳтиёж ортса, бошқаларига эса камаяди. Хизмат кўрсатиш соҳалари, кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг жадаллашиши меҳнат бозорининг касбий-малакавий тузилмаларида тегишли ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Бизнинг назаримизда, ҳозирги шароитда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш энг асосий масалалардан биридир. Энг муҳими, таълим сифати иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларига ҳамда давлат сиёсатининг устувор йўналишларига мувофиқ келиши лозим. Бунинг учун нафақат билим ва малакаларни эгаллашга йўналтирилган, аниқ касбий фаолиятни бажариш учун зарур бўлган, балки шахс дунёқарашини шакллантиришга, унинг жадал ривожланаётган ижтимоий-иқтисодий тизим шароитида яшаши ва ишлашига, доимий тарзда ўз-ўзини фаоллаштиришга имкон берувчи, ўзлаштирилиши осон ва амалий асоси кучли таълим тизими яратилиши зарур.

Зафар САТТОРОВ, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори.

СОҒЛОМ РАҚОБАТ САМАРАСИ

Бухоро шаҳридаги «Неврология» клиникаси беморлар ишончини қозониб бораётган хусусий шифохоналардан бири саналади. Ўн беш нафар тиббиёт ходими меҳнат қилаётган мазкур клиникада даволаниш учун барча қулайликлар яратилган. Бироқ жамоа бу билан кифояланиб қолаётгани йўқ.

Изланиш

— Айни пайтда бошмия касалликларини аниқлайдиган замонавий ускунани харид қилиш сайъ-ҳаракатидамиз, — дейди клиника раҳбари Дилбар Хўжаева. — Соғлом рақобат муҳити бизни изланишга, имкониятларимизни янада кенгроқ юзага чиқаришга ундаяпти.

Албатта, хусусийлаштириш ва соғлом рақобат жараёни ишнинг самарадорлигини белгилаб бермоқда. Хусусан, Бухоро туманидаги «Азиз инсон» хусусий шифохонаси фаолияти ҳам бундай муҳитнинг афзал эканлигини яққол исботлаётир.

— Бундан етти йил аввал банкдан кредит олиб, фаолиятимизни бошлаган эдик, — дейди шифохона бош врачи Розия Истамова. — Бизда беморга қарата «Кутиб туринг» деган сўз ишлатилмайди. Ташхис қўйилган захоти муолажага киришилади.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, бугунги кунда воҳада фаолият юритаётган хусусий тиббий муассасалар сони 183 тага етган. Муҳими, уларда тиббий хизмат сифати тобора яхшиланиб бормоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистондаги энг йирик мобил алоқа оператори — МТСни бугун мамлакатимизнинг кўпгина корхоналари танлаганлари бежиз эмас. Чунки бу компания ўз абонентларига ишончли ва сифатли алоқани қулай шартларда таклиф этмоқда.

МТС «Корпорация» режаси:

НАРХ АРЗОНЛАШМОҚДА

Энди эса **«Корпорация»** тариф режалари 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб янада арзонлаштирилди — эфир вақти учун нархлар баъзи корпоратив тарифларда икки баравар камайтирилди. Бундан ташқари, **«Корпорация — 1000»** ($20 дан **$18 га**) ва **«Корпорация — 2500»** ($45 дан **$40 га**) режаларида ҳам абонент тўловлари бирмунча озайтирилди.

«Корпорация» режаларида Ўзбекистон бўйича барча телефонларга чиқувчи қўнғироқларнинг ягона нархи — бир дақиқа учун **$0,02**. **«Асосий Корпорация»** режасида эса мобил телефонлардан барча кирувчи қўнғироқлар — бепул. Бошқа телефонлардан кирувчи алоқа эса икки марта арзон — бир дақиқа учун **$0,02**. Бошқа корпоратив режаларда барча кирувчи қўнғироқлар ҳам бепул бўлди. Авваллгидек, корпоратив гуруҳ ичидаги ва МТС-Ўзбекистон тармоғи ичидаги кириш қўнғироқлари ҳам бепулдир. Яна шуни айтиб ўтиш зарурки, тармоқ ичидаги кирувчи алоқа имтиёзли дақиқалар лимитини сарфламайди.

Бундан ташқари, **«Корпорация»** тариф режалари МТС-Ўзбекистон тармоғи ичида чиқувчи SMSлар икки марта арзонлаштирилди: бир хабар учун — **$0,01**.

«Корпорация»нинг қулай тариф режаларига МТС тармоғида 3 ва ундан ортиқ рақам улаган ёки фойдаланаётган юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар уланишлари мумкин.

Корпоратив режалари нархларининг арзонлашувини ИП «Уздунробита» бош директорининг абонентларга хизмат кўрсатиш ва сотув бўйича ўринбосари **Нуриддин ШОДМОНОВ** шундай изоҳлайди: *«Компаниямизнинг корпоратив мижозлари биз учун фақатгина абонентлар эмас, балки ҳамкорлардир. Шунга ишонч билдирамизки, компаниямиз таклиф этган арзон нархлар, ўз навбатида, абонентларимизга иш бўйича масалаларни янада қулайроқ ҳал этишга имконият яратади».*

t



Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Усмон Юсупов уй-музейи директори

Ўлмас Усмонович ЮСУПОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Саноатконтехназорат" Давлат инспекцияси жамоаси Бухоро минтақавий кон-техника инспекцияси 1-тоифали мутахассиси Комил Қаҳҳоровга онаси

МАҚСАД аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика Маънавият тарғибот маркази жамоаси масъул ходим Мамадали Эроновга падари бузруквори

ТУҒАЛБОЙ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳайъати агентликнинг Бухоро вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи

Владимир Васильевич ЖДАНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси Маркетинг кафедраси доценти Муҳамадамин Юсуповга акаси

Жўрабой ЮСУПОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар эксперименталь биологияси институти жамоаси биология фанлари доктори, профессор

Мажид Ҳожимуродович АВАЗХОДЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 27380 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6 7